

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЗАХИДОВ УЛУҒБЕК БАСИТОВИЧ

**ЗЎРАЙИБ БОРУВЧИ МИОПИЯДА ЮВЕНИЛ ГЛАУКОМАНИ
КЛИНИК ТАШХИС МЕЗОНЛАРИ ВА ДАВОСИ**

14.00.08–Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Захидов Улугбек Баситович

Зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани

клиник таъхис мезонлари ва давоси 3

Захидов Улугбек Баситович

Клинические критерии диагностики и лечения

ювенильной глаукомы при прогрессирующей

миопии 29

Zakhidov Ulugbek Basitovich

Clinical criteria for diagnostics and treatment

of juvenile glaucoma in progressive myopia 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЗАХИДОВ УЛУҒБЕК БОСИТОВИЧ

ЗЎРАЙИБ БОРУВЧИ МИОПИЯДА ЮВЕНИЛ ГЛАУКОМАНИ
КЛИНИК ТАШХИС МЕЗОНЛАРИ ВА ДАВОСИ

14.00.08 – Офтальмология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.1DSc/Tib55 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) веб-саҳифасининг (www.tsdi.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Набиев Абдували Мирзаалиевич**
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Юсупов Амин Азизович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Еричев Валерий Петрович (Россия Федерацияси)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арипов Абдумалик Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Chonnam national university hospital international medical centre (Жанубий Корея).**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100140, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./факс: (+99871)-230-47-99; e-mail: info@tsdi.uz).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./факс: (+99871)-230-47-99.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.М.Камилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда замонавий ташхислаш усулларининг ишлаб чиқишига қарамасдан глаукома кўрлик, яхши кўрмаслик ва бирламчи ногиронликка олиб келувчи энг асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, «2000 йилда дунёда глаукома билан касалланганлар сони 67 млнни ташкил қилган бўлса¹, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 100 млнни ташкил этиши башорат қилинмоқда»². Миопиянинг асоратли турлари юқори ишлаш қобилияти эга аҳоли орасида кенг тарқалган ва умумий касалликлар орасида ногиронликка олиб келиши бўйича Россия, Англия ва Шарқий Германияда 1-3-чи, АҚШда эса 5-7-ўрини эгаллайди³. Миопия билан биргаликда кечувчи бирламчи ювенил глаукома бугунги кунда офтальмологиянинг хал қилиниши зарур бўлган энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда зўрайиб борувчи миопияда ювенил глаукомани клиник ташхислаш ва даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ювенил глаукоманинг келиб чиқиш ва ривожланишнинг экзоген ва эндоген сабабларини, беморларнинг қон зардобидоги оксипролин микдорини биокимёвий усуллар ёрдамида асослаш ҳамда касалликнинг ривожланишида биокимёвий кўрсаткичларнинг солиштирма баҳолаш мезонини ишлаб чиқишдан иборат. Ювенил ёш даврида пациентларнинг яқин қариндошлари орасида миопиянинг тарқалганлик маълумотларини ретроспектив таҳлил қилиш тартиби, зўрайиб борувчи миопия билан хасталанган беморларни кўриш органи функционал ҳолатини инструментал текшириш мезонларини, инструментал текшириш асосида касалликни кечиш асоратларини ташхислаш механизмларини ишлаб чиқиш зарур чора-тадбирлардан бири ҳисобланади. Зўрайиб борувчи миопия ювенил глаукома билан биргаликда кечганда экстрацеллюляр матриксада (ЭЦМ) коллаген толаларининг тикланиши, шунингдек бириктирувчи тўқималарнинг дисплазиясида коллагенларнинг ахамиятини, зўрайиб борувчи миопия фонида ювенил глаукома билан хасталанган беморларни консерватив гипотензив даволашда дори воситаларини танлаш, уларни қўллаш схемасини ишлаб чиқиш орқали зўрайиб борувчи миопияда ювенил глаукомани олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг механизминини ҳамда аралаш патологиялардаги беморларни жаррохлик усулида даволаш мезонларини танлаш, касалликнинг асоратларини камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирларни амалга ошириш муҳим

¹ ЖССТ маълумотлари 2014 йил

² Авдеев Р.В., 2014

³ Тарутта Е.П., 2014

ўрин тутади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹ да мамлакатимизда истиқомат қилаётган «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш...». Шу асосида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани эрта ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни тиббиётнинг қатор соҳаларига киритиш асосида, офталмологик касалликларни клиник ташхислаш ва даволашнинг юқори замонавий усулларни ишлаб чиқиш ва бажариш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи². Зўрайиб боровчи миопия ва ювенил глаукомани биргаликда кечишини ташхислаш ва даволашда клинко-гипотензив жаррохлик амалиётининг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва қўллашга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University Miami (АҚШ); Brody School of Medicine, Penn State College of Medicine (АҚШ); University of Genova, Vita-Salute University, (Италия); Queen Mary University of London (Буюк Британия); University of Heidelberg, Humboldt University (Германия); Yokohama City University (Япония); Indiana University School of Medicine (Ҳиндистон); Ain Shams University (Миср); «Кўз микрохирургияси»

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.uic.edu, www.yokohama-cu.ac.jp, www.qdu.edu.cn, www.eco.unicamp.br, www.asu.edu.eg, www.umlub.pl, www.ulsan.ac.kr, www.units.it, www.uniud.it, www.uni-marburg.de, www.hu-berlin.de, www.mountsinai.org, www.BMJ, www.heidelberg-university, unige.it, www.ecu.edu, www.pennstatehershey.org, www.qmul.ac.uk, www.pubmed.com, welcome.miami.edu, www.aiims.edu, www.evms.edu, www.isciii.es, www.arizona.edu, www.uh.edu, www.uab.edu, www.hopkinsmedicine.org, optometry.osu.edu ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

тармоқлараро илмий-техник комплекс (Россия Федерацияси) ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани эрта ташхислаш ва жаррохлик даволашнинг оптималлаштиришни илмий асослашга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор қуйидаги илмий натижалар олинган: болалар ва ўсмирларда миопиянинг аниқлашда қариндошларида касалликнинг борлигини ва рефракцияни глаукоманинг ривожланишида ўрни исботланган (University Arizona (АҚШ); глаукоманинг ривожланишида башоратлаш модели КИБ, CCT, VCD ва PSD натижалари асосида глаукомани ривожланиши ва ташхислаш тизими яратилган (University Oksford (Буюк Британия); глаукомани аниқлаш ва даволашда биокимёвий ва функционал тадқиқот усуллари натижасида дори воситаларини қўлланишининг самарадорлиги асосланган (Penn State College of Medicine (АҚШ); неоваскуляр глаукомада фотодинамик терапия усуллари қўлланиши даволаниш кунини камайтириш ва самарадорлигини ошириши тартиби исботланган (Humboldt University (Германия); болалар орасида бирламчи глаукома ва ўсмирлик даврида очик бурчакли глаукомани даволашда ички периферик трабекулотомиянинг ўрни исботланган (University Miami (АҚШ); глаукомада трабекулэктомиядан олдин гониоскопик усулидан фойдаланиш натижасида кўз ички босими ошишининг олдини олиш ва жаррохлик амалиётини самарасини ошириш илмий асосланган (Yokohama City University (Япония), (University Miami (АҚШ); трабекулэктомия жаррохлик амалиётидан кейин фибрознинг назорат қилиниши хужайравий фотолаблация хавфсизлиги ва самарадорлиги исботланган (Ain Shams University (Миср); ювенил глаукомада оптик дискнинг очик бурчакнинг катталигини катталарнинг оптик дискига нисбатан 3 марта катталаги исботланган (Indiana University School of Medicine (Ҳиндистон); зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани эрта ташхислаш ва жаррохлик даволашнинг оптималлаштириш усулини самарадорлиги исботланган (Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон).

Дунёда зўрайиб боровчи миопия ва ювенил глаукомани биргаликда кечишини ташхислаш ва даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, ювенил глаукомани аниқлашнинг молекуляр асосларини ишлаб чиқиш; зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани оптимал жаррохлик амалиётини тадбиқ этиш; жаррохлик амалиётидан кейинги асоратларнинг қайталанишини камайтиришга қаратилган муқобил даволаш усуллари ишлаб чиқиш; қон зардобидида оксипролин миқдорини аниқлаш орқали комплекс даволаш усуллари асослаш; экстрацеллюляр матриксда коллаген толалар тикланишининг замонавий усуллари ишлаб чиқиш; консерватив даволашда дори воситалардан фойдаланишни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда дунёда миопия фонида кечувчи гдаукома билан касалланганлар сони кескин ўсиб бориши кузатилмоқда. Мутахассислар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот текширувлари шуни кўрсатмоқдаки, глаукома миопия фонида эрта

ташхислаш ва даволаш самарадорлигининг натижаси кам бўлмоқда (Hayreh S.S., Jonas J.B., Zimmerman M.B., 2008; Musch D.C., Gillespie B.W., Litcher P.R., Niziol L.M., Janz N.K., 2009; Goldschmidt E., 2011; Perera S.A., Wong T.Y., Tay W.T., Foster P.J., Saw S.M., Aung T., 2011; Rao H.L., Yadav R.K., Addepalli U.K., Begum V.U., Senhil S., Choudhari N.S., Garudadri C.S., 2014; Funayama T., Ishikawa K., Ohtake Y., Tanino T., Kurosaka D., Kimura I., 2016.). А.П. Нестеров (2008)нинг илмий ишларида глаукоманинг ташхисида кўз ички босимини аниқлашда ортоклиноостатик синамасига асосланиш кераклиги исботланган. Е.Б. Воронкованинг (2012) илмий натижаларида эса кўрув дискнинг кўз ички босимида нисбатан таъсирчанлигини ўрганганида дискнинг периферик қисмида бирламчи ўзгаришлар пайдо бўлиши илмий асосланган. Ю.С. Астахов ва С.Н. Устинов (2008) илмий ишларида глаукомада бирламчи ўзгаришлар кўрув майдонининг юқори бурун квадрантида бўлиши аниқланган. Н.В. Макашова (2007) томонидан, биргаликда кечувчи глаукома ва миопияда кўзнинг склера қобиғининг юпқаланиши асослаб берилган. Е.А. Егоров (2001) глаукомани консерватив даволаш тизимини асосий дори восита гуруҳларини ўрганиб даволашда афзалликлар ва ножўя таъсирларини кўрсатиб берилган.

Мамлакатимизда эса глаукоманинг ташхиси ва даволаш усуллари бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган, жумладан, Х.М. Камилов (1987) электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида глаукома беморларнинг диспансер назорати ва очик бурчакли глаукомани жаррохлик даволашдан сўнг кўрув фаолиятини ўзгариши, А.М. Набиев (2005) ёпиқ бурчакли глаукоманинг ташхиси ва (2007) ёпиқ бурчакли глаукоманинг клиник белгилари, А.А. Юсупов (2013) глаукомада офтальмологик ёрдамини такомиллаштириш бўйича илмий ишлари, М.Х. Каримова (2013) бирламчи очик бурчакли глаукомада маҳаллий гепотензив дори воситалар қўлланганлигида курув фаолиятига таъсир кучи, Ф.А. Бахритдинова (2013) бримоптик кўз дори томчисини очик бурчакли глаукомада таъсир кучини ва глаукома оптик нейропатиясини эндонозал электрофарез усули ёрдамида даволаш самарадорлиги баҳоланган.

Шуни инобатга олиб зўрайиб борувчи миопияда ювенил глаукомани эрта ташхислаш усуллари оптималлаштириш ва ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу вазият зўрайиб борувчи миопияда ювенил глаукомани ташхислашнинг клиник мезонларини аниқлаш, улар биргаликда келганда кўрув нерви ва тўр парданинг қайтмас ўзгаришларининг ривожланишини олдини олиш, шунингдек ювенил ёш даврида кўриш фаолиятининг пасайишини сабабларини ўрганишини тақозо этади. Шу билан бир қаторда, биргаликда ривожланган патологияли беморларда (медикаментоз ва жаррохлик) асосланган патогенетик даволаш тизимини яратиш аҳамиятлидир. Зўрайиб борувчи миопияда ювенил глаукома патогенезининг умумқабул қилинган анъанавий тассавурларида амалиёт шуни кўрсатадики, ҳар доим ҳам зўрайиб борувчи ва биргаликда кечадиган касаллик билан даврий курашиш самара бермайди. Аммо шу кунгача Ўзбекистонда зўрайиб борувчи миопияда ювенил глаукомани

аниқлаш бўйича, шунингдек ушбу касаллик ривожланишининг илк босқичида тахликали гуруҳларни аниқлашга қаратилган кўрсатмаларини топмадик. Зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукоманинг аниқлаш усулларининг самарадорлигини исботланган материаллар, касалликни эрта ташхислаш алгоритимини етишмаслиги ва ушбу тоифадаги беморлани консерватив даволаш схемасининг акс эттирилган материалларининг йўқлиги аниқланди. Бугунги кунгача республикамизда биргаликда кечувчи патологияларда жаррохлик даволашга кўрсатмаларининг йўқлиги ва жаррохлик амалиётининг тури кўрсатилмаган. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, офтальмология амалиётида ушбу муаммонинг долзарблиги, ахамиятлиги ва уни чуқур ўрганиш зарурлигини тақозо қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг «Аҳолининг саломатлик ҳолатини сақлашда касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг янги технологиялари» (2015-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани биргаликда кечишида патогенетик ва клиник хусусиятларини эрта ташхислашни оптималлаштириш ҳамда даволашнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморларнинг яқин қариндошлари орасида миопия ва глаукома касаллигини, анамнез маълумотларини таҳлил қилиш;

зўрайиб боровчи миопия билан хасталанган беморларни кўриш фаолиятининг функционал ҳолати хусусиятларини клиник инструментал текширувлар асосида ўрганиш ва касаллик ривожланишининг клиник мезонларини аниқлаш;

клиник-инструментал текширувлар натижаларига асосланиб, зўрайиб боровчи миопия ривожланишида ювенил глаукоманинг биргаликда кечганда глаукомага тахликали гуруҳларини аниқлаш;

зўрайиб боровчи миопия фонида ювенил глаукомани ташхислашда анъанавий усулларининг клиник самарадорлигини аниқлаш;

зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани эрта ташхислаш усулларини оптималлаштириш, касалликни ташхислаш алгоритимини ишлаб чиқиш;

зўрайиб боровчи миопия ювенил глаукома билан биргаликда кечганда беморларнинг қон зардобидида оксипролин микдорини биокимёвий усуллар ёрдамида ўрганиш, экстрацеллюляр матриксада (ЭЦМ) коллаген толаларининг тикланиши, шунингдек бириктирувчи тўқималарнинг дисплазиясида коллагенларнинг ўрнини аниқлаш;

зўрайиб боровчи миопия фонида ювенил глаукома билан хасталанган беморларни консерватив гипотензив даволашда дори воситаларни танлаш, уларни қўллаш схемасини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

зўрайиб боровчи миопия фонида ювенил глаукомани жаррохлик даволашда кўрсатма ва усулини танлаш ва клиник самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1195 (2363 кўз) нафар беморлар олинган. Беморлар орасидан асосий гуруҳга - 1015 (2004 кўз) зўрайиб боровчи миопия билан касалланганлар; улардан 219 (431 кўз) ювенил глаукома билан касалланган беморлар олинган. Солиштирма гуруҳига 84 (167 кўз) бирламчи ювенил глаукома билан касалланганлар ва 96 (192 кўз) - турғун кечувчи миопия билан касалланганлар олинган. Назорат гуруҳига 30 нафар (60 та кўз) амалий соғлом инсонларнинг маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукоманинг муҳим клиник-функционал ва биокимёвий хусусиятларини аниқлаш мақсадида ушбу қўшма касалликни эрта ташхислаш мезонлари ва даволашининг самарали усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда клиник рефракция, проксиметрик, биомикроскопик, офтальмоскопик, ультратовушли А ва В-сканирлаш, пахиметрия, гониоскопик, периферик кўриш майдонининг чегараларини аниқлаш, кунлик тонометрия, тонография, тушуриш-юклаш синамалар, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўз олдинги камераси бурчагининг дисгенези оқибатида кўз ички босмининг ошиши, миопия ривожланишининг бирдан-бир патогентик омили бўлиб, кўз олмасининг катталашуви натижасида кечки гидроофтальмнинг ривожланишига олиб келиши исботланган;

зўрайиб боровчи миопия ва ювенил глаукоманинг биргаликда кечишида қон зардобида оксипролин миқдорининг ошганлиги, экстрацеллюляр матриксда коллагенларнинг емирилиш даражаси ва етишмовчилигига олиб келганлиги асосланган;

коллаген етишмовчилик ўз навбатида кўз ички босмининг ошиши ва склеранинг кенгайишига шароит яратиши исботланган;

зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани эрта ташхислашда тушуриш ва юклаш синамаларнинг кетма-кетлик тартиби илмий асосланган;

илк маратоба биргаликда кечувчи патологияларда экстрацеллюляр матриксда коллагенларнинг емирилиш даражасини камайтирувчи ва миопик жараёнларнинг турғунлашишини таъминловчи дори воситаларнинг тури исботланган;

зўрайиб боровчи миопия натижасида ривожланган ювенил глаукомада ўзаро мураккаблаштирувчи патогенетик омиллар ҳисобига патологик жараёнлар ривожланиши механизмларининг баҳолаш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган натижалар асосида зўрайиб боровчи миопия фонида ривожланган ювенил глаукоманинг бешта клиник мезонлари ва иккита қўшимча клиник белгилари аниқланган;

зўрайиб боровчи миопия фонида ривожланган ювенил глаукомани гипотензив воситалар ёрдамида консерватив ва жаррохлик усулларида даволаш нафақат глаукомани, балки миопия жараёнининг турғунланиш омили эканлиги аниқланган;

зўрайиб боровчи миопия фонида ривожланган ювенил глаукомани эрта ташхислашда тушуриш ва юклаш комбинация синмасини кетма-кет усули такомиллаштирилган;

глаукома жараёнини кечиши, бемонинг ёши, дори воситаларининг маҳаллий ва умумий ножўя таъсиларини инобатга олган ҳолда консерватив даволаш тизими асосланган;

олдинги камера бурчаг дисгенези даражасидан келиб чиққан ҳолда, зўрайиб боровчи миопия фонида ривожланган ювенил глаукомани жаррохлик даволаш услубини танлаш тартиби тавсия этилган;

зўрайиб боровчи миопия фонида ривожланган ювенил глаукомани гипотензив воситалар ёрдамида консерватив ва жаррохлик даволашда нафақат глаукомани, балким миопия жараёнининг турғунланиш омили эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-функционал, биокимёвий, консерватив, жаррохлик, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани клиник ташхислаш ва даволаш натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти зўрайиб боровчи миопия фонида ривожланган ювенил глаукоманинг қатор клиник белгилари аниқланган, шунингдек биргаликда кечувчи миопия ва глаукоманинг патогенетик омиллари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани эрта ташхислаш усуллариининг такомиллаштириш, шунингдек жаррохлик даволаш усуллариини танлаш мезонлари асосланган. Олинган натижалар асосида касалликнинг консерватив даволаш схемаси ишлаб чиқилган, консерватив ва жаррохлик даволашнинг самарадорлиги асосланган ва патологик жараёнларнинг турғунланишини таъминлаш имконини берганлиги изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукомани клиник ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Зўрайиб боровчи миопияда глаукомани башоратлаш усули» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 9 февралдаги 8н-м/9-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма зўрайиб боровчи миопияда глаукомани башоратлашда бешта асосий ва иккита ёрдамчи

клиник ва прогностик мезонлар ишлаб чиқилиб, глаукомани аниқлаш ва таҳликали гуруҳларни шакллантириш ва уларда касалликни олдини олиш бўйича самарали даволаш тизимини яратиш имконини берган;

«Зўрайиб борувчи миопияда глаукомани маҳаллий ва умумий даволаш усули» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 9 февралдаги 8н-м/9-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма зўрайиб борувчи миопияда глаукомани маҳаллий ва умумий даволаш тартибини ишлаб чиқиш, глаукомани ташхислаш ва самарали даволаш имконини берган;

«Колленгенстимуляция усулини зўрайиб борувчи миопияли глаукомада қўллаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 9 февралдаги 8н-м/9-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма зўрайиб борувчи миопияда глаукомани даволашда колленгенстимуляция усулини қўллаш тартиби ва унинг самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

зўрайиб борувчи миопияда ювенил глаукомани клиник ташхислаш ва даволашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика клиник офтальмологик шифохонаси, Тошкент ҳамда Самарқанд вилоятларининг офтальмологик клиникалари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 мартдаги 8н-з/31-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши гипотензив дори воситаларидан фойдаланилганда зўрайиб борувчи миопия фонида ювенил глаукомада кўз ички босимининг турғунлиги 78,1%, глаукоманинг хирургик амалиётидан 88,3% сақланиши, консерватив даволаш оқибатида миопиянинг зўрайишини 50,1%, жарроҳлик амалиётидан кейин эса 66,7%га яхшиланишини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 37 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шундан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Зўрайиб борувчи миопияда ювинил глаукома тарқалишининг замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шундай қилиб, тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ювинил глаукома (ЮГ) ва зўрайиб борувчи миопия алоҳида ва биргаликда кечганда улар ривожланишининг патогенетик хусусиятлари, шу билан бирга зўрайиб борувчи миопия фонида ювинил глаукоманинг клиник жиҳатлари бўйича замонавий қарашларнинг таҳлили баён этилган. ЮГ ва зўрайиб борувчи миопиянинг бириктирувчи тўқима дисплазиясининг умумий синдромал патологияси ҳамда ушбу патологиянинг биргаликда кечувчи беморларни консерватив ва хирургик даволаш услублари ҳақидаги адабиётлар шарҳи тўлиқ келтирилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Зўрайиб борувчи миопияда ювинил глаукомаси бор беморлар тафсифи ва тадқиқотда қўлланилган усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган, тадқиқот усуллари баён этилган. Тадқиқотнинг материал ва усуллари бўлимида тадқиқотда қатнашган ёши 11 дан 34 ёшгача бўлган (ўртача ёш $24,8 \pm 3,5$) 1195 (2363 кўз) беморлар жинси бўйича 502 (42%) эркаклар ва 693 (58%). аёлларнинг клиник тафсилоти баён этилган. Кузатув муддати 6 ойдан 7 ойгача давом этган. Тадқиқотда қатнашган беморлар қуйидагича тақсимланган: асосий гуруҳда ЗБМси бор беморлар 1015 (2004 кўз), улардан 219 (431 кўз) беморга (ЮГ) ўсмирлар глаукомаси ташхиси қўйилган ва 96 (192 кўз) миопиянинг стационар кечиши билан, ушбу тадқиқотнинг назорат гуруҳида 30 (60 кўз) амалий соғлом одамлар тадқиқотда қатнашган беморларнинг ёши ва жинсига мос равишда олинди.

Қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, беморларга фаннинг илғор замонавий талабларига жавоб бера оладиган анъанавий ва клиник-инструментал усуллари – визометрия, авторефрактометрия, биомикроскопия, офтальмоскопия, периметрия, тонометрия, пахиметрия ва эхобиометрия усуларидан фойдаланилди.

Глаукомага шубҳа қилинганда, юқорида келтирилган тадқиқотлардан ташқари – тонография, гониоскопия, КИБнинг циркад тебранишларини ва юклама синамасини аниқлаш мақсадида кунлик тонометрия усулидан фойдаланилди.

Шу билан бирга проксиметрия, автоматик периметрга «APS Fully» компьютер статистик периметрия – automatic Computer RERIMETR (APS – 6000 LAPTOP) (КНР), ультратовушли биомикроскопия «Модель 840» (Zeiss-Humphrey Instruments, АҚШ) ультратовушли биомикроскопни қўллаш, оптик когерент томография (ОКТ)ни стандарт услуб бўйича HD-OCT «CIRRUS» (Carl Zeiss, Германия) аппаратлари қўлланди.

Бундан ташқари, умумий клиник услублар бўйича бутун организмда текширув ўтказилди ва бириктирувчи тўқиманинг коллаген ҳолатини аниқлаш мақсадида биокимёвий – қон зардобидаги оксипролин микдори Стегемн услуби модификациясини ўз ичига олган Бергман ва Локслей услуби бўйича аниқланди.

Глаукома ташхисини қўйишда А.П. Нестерова ва Е.А. Егорова (2001) ва миопия - эса Э.С. Аветисова (1986)лар томонидан тавсия этилган усуллардан фойдаланилди.

Биз томонимиздан изчил юкламасиз-юкламали синамаларни такомиллаштириш услуби тавсия қилинди. Изчил юкламасиз юкламали синама глаукома бўйича «тахлика гуруҳи»идаги беморларда КИБни юкламасизланишини пасайишига асосланган. ЗБМда унинг тебраниш кўлами ҳамда баҳолаш йўли билан КИБ даражасини кўтарилиши аниқлаш учун кўзнинг функционал ҳолатини синама ўтказиш услуби фақат маҳаллий тарзда дори воситаларини юкламасиз (2%ли дарзолимид ёки 0,5%ли тимолол малеат) ва юкламали (0,1%ли дексаметазон эритмаси) қўллаш, бу эса текшириш ўтказилганда хатоликларга йўл қўйишга ва препаратларни умумий ножўя таъсири хавфини камайтиради.

Намуна қўйишдан аввал визиометрия кўр доғнинг ўлчамини ўлчаш билан статик периметрия, тонометрия ва тонография ўтказилади. Қайта текшириш 2 марта 5 дақиқали оралиқ билан инстиляциядан сўнг 3 соатдан кейин ўтказилади. Юкламали намуна 3 марталик 5 дақиқали оралиқ билан текширувчи кўзни инстиляциясидан сўнг амалга оширилади. 3 соат ўтгач кўз ўткирлиги, кўриш майдони чегараси, кўр доғ ўлчами КИБ даражаси текширилади. Агар кўриш майдони 30⁰га ва ундан ортиқ юкламасиз дастлабки қиймат йиғиндисидан ва кўриш майдони бурун меридианлари бўйича юкламали 30⁰ дан ошса, ҳамда Бьеррум зонасида скотомаларни ҳосил бўлса, кўр доғ ўлчамининг ошиши намуна мусбат эканлиги кўрсатади. КИБнинг юкламасиз олинганда ва ундан юклама берилганда 8 мм симоб устуни ва ундан ортиқ ўзгариши US=23,0 ўртача сезгирлик чегараси текширилганда тўрпарданинг ёруғлик сезгирлиги ўртача қийматида силжишнинг пасайиши MD>2,2 dB ҳамда КНДнинг физиологик экскавацияси асимметриянинг кузатилиши ёки 0,4 ЗБМ ва ундан ортиқ кенгайиши билан қирғоқли экскавация кузатилиши глаукома учун специфик ҳисобланади. ОКБнинг 1-3 даражали дисгенезини учраши глаукоманинг ЗБМ фонида ташхислашдаги қўшимча элементлари ҳисобланади. Намуна юкламасиз шароитда кўриш майдонининг 10-20⁰ га кенгайиш ҳолатларида ва КБЧнинг 30⁰ гача юкламадан сўнг торайиши, кўр доғ майдонининг катталаниши КИБ даражасининг 5 дан 8 мм сим уст тебраниши кузатилса, физиологик экскавация 0,4 ПД га кўтарилса, 1 даражали ОКБ дисгенезида намуна шубҳали ҳисобланади.

Олинган тадқиқот натижаларининг статистик таҳлиллари шахсий Pentium IV компьютерида PHStat2 version 2.5 и Stat Plus V25 статистик дастурлар билан Microsoft Excel - 2007 дастурида амалга оширилди. Шу билан бир қаторда, параметрик ва нопараметрик, регрессион, корреляцион, альтернатив

услуглар статистик таҳлиллари қўлланилди. Ўрганилаётган белгиларга қараб гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги Стьюдент критерийсидан фойдланилди. эҳтимоллик даражаси $p < 0,05$ дан кичик бўлганда ишончли деб, ҳисобланди.

Диссертациянинг «Зўрайиб боровчи миопияда ювенил глаукома мавжуд беморларнинг клиник-лаборатор текширув натижалари» деб номланган учинчи бобида ЗБМнинг мониторинг маълумотларини ўрганишга ҳамда ЗБМ фонида ЮГни аниқлаш ва унга шубҳа қилинганда клиник мезонларни яратишга бағишланган. ЗБМси бўлган 1015 (2030 кўз) нафар беморларнинг тадқиқот натижалари келтирилган ҳамда уларнинг ёши, жинси ва тавсифи (1-жадвал), шикояти ва оилавий анамнези шакллантирилган.

1-жадвал

Ёши ва жинси бўйича беморларни тақсимлаш

Жинси	Беморларнинг (ёши)								Жами	
	11-14		15-18		19-23		24-34			
Эркаклар	47	34,1	127	41,9	109	48,4	141	40,4	424	41,8
Аёллар	91	65,9	176	58,1	116	51,6	208	59,6	591	58,2
Жами	138	13,6	303	29,9	225	22,2	349	34,4	1015	100,0

ЗБМси бўлган беморларни динамик кузатув жараёнида зўрайиб боровчи миопиянинг айрим клиник хусусиятлари ўрганилган. Улар орасида энг кўп учрагани–кўриш қобилятини пасайиши, ЗБМ оқибатида кўз олмаси ҳажмига катталашуви ва 100% ҳолатда клиник рефракциянинг кучайиши аниқланган; ЗБМ билан касалланган беморларни динамик кузатуви давомида айрим ўзига хос бўлган клиник хусусиятлар аниқланди. Улар орасида энг кўп учраган ҳолатлар – кўриш функциясининг пасайиши, олд-орқа ўқ (ООрЎ) бўйича кўз соққасини ўлчамининг ортиши ва 100 % ҳолатларда клиник рефракцияни кучайиб кетиши; клиник рефракция катталиклари нисбатини ООрЎ маълумотлари билан тўғри келмаслиги, яъни кўзнинг сагитал ўқини узайиши ҳисобига рефракцияни 3,00 дптрга кучайиб кетиши, натижада эса юқоридаги кўрсаткичлари бўйича 46,2%га тўғри келиши ва 53,8%ни тўғри келмаслиги аниқланган; юқори назал ва юқори темпорал квадратларда кўриш майдонининг чегарасини (КМЧ) торайиш ҳолати 17,5% да, юқори ва пастки темпорал квадратларда эса 22,5% ва концентрик торайиш 30,8% да аниқланган, 21,6% да эса Бьеррум зонасида скотома аниқланган; КИБни меъёрнинг юқори чегарасида бўлиши, ўртача статистик меъёрдан (24-25 мм.сим.уст.) юқори бўлиши, 32,4% ҳолатда кўз гидродинамикасининг бузилиши ҳам кўрсатилган. Бундан ташқари кўриш нерви дискининг (КНД) ўзгариши ва кўз пардаси ҳолатининг ёмонлашуви ҳам кузатилган бўлиб, бу 78,3% ҳолларда экскавация ўлчамини чуқурлашуви ва катталашувиға боғлиқдир. Бу кўрсатилган барча белгилар нафақат ЗБМ, балки ЮГга ҳам тегишлидир. Олинган натижалардан келиб чиқиб, биз томондан 5 та клиник

мезонлар бўйича тавсиялар яратилди ва ЗБМ фонида ЮГ га шубҳа яна қилинганда кўшимча 2 та белгилар аниқланди: бир йил давомида ривожланувчи миопия 1,00 дптрга ва ундан ортади; зўрайиб боровчи миопияда кўз олмасининг олд-орқа ўқи бўйича беморнинг клиник рефракция кўрсаткичлари мос келмайди (кўз олмаси 1 мм га ўсганда, клиник рефракция 3,00 дптрга тенг равишда кучаяди); дисгенетик ўзгаришлар бўлганда беморларда миопиянинг ривожланувчи кечишида кўз ички суюқлиги (КИС)нинг оқиб чиқишнинг камайиши ва секрецияси ҳисобига кўз ичи босими 21 мм сим. уст.га ва ундан кўп бўлади; ЗБМда қон томирлар тутами силжиб КНД экскавацияси миқдори ва чуқурлигининг ассиметрияси аниқланган; ЗБМда беморларда юқори-бурун ва юқори-темпорал квадрантларида кўриш майдонининг торайиши ривожланиб боради, Бьеррум зонасида скотома пайдо бўлади ва кўрлик доғининг ҳажми катталашиб боради. Кўшимча клиник белгиларга қуйидгилар бўлиши мумкин: кенг лимбалар сони; ясси камалак ранг парда олдинга епиштирилган. Кенг лимбалар сони кенгайиш натижаларининг манбалари ҳисобланиб, кўз фиброз қопламларнинг қуриш белгилари ҳисобланиб, склерал синусларнинг қисқариши натижасида КИС кейинчалик оқишини қийинлаштиради. Ясси камалалк рангларнинг сони (ЁБГ)нинг хусусиятли белгиларидан ҳисобланади. ЗБМ ташхис қўйилган 1015 нафар (2004 кўз) беморларда юқорида қайт этилган белгилар ва клиник мезонларни ҳисобга олган ҳолда узок муддат кузатув ишлари олиб борилди ва уларнинг орасидан 649 нафар (1295 кўз) беморлардан иборат ЮГ «тахлика гуруҳ»лар ташкил қилинди. Ушбу гуруҳга беморларни киритишнинг мезонлари шундан иборатки, уларда 2 ва ундан ортиқ клиник мезонларни аниқлаш зарур. Ҳар бир клиник мезонлар ЮГ билан алоқадорликнинг корреляцион боғлиқлигининг даражаси билан изоҳланади (2-жадвал).

2-жадвал

ЗБМ фонида ЮГни клиник белгиларининг корреляция коэффиценти (r)

Кўрсаткичлар	клиник рефракция (кучайиши)	кўз ичи босими даражаси (юқори)	«С» коэффи-циенти (паст)	кўриш майдонинг чегараси (торайиши)	кўрув нерви дискининг ҳолати (шакл ўзгариши)
Кўз олмасининг олд-орқа ўқи (катталашуви)	+0,785	+0,735	+0,352	+0,379	+0,436
Клиник рефракция (кучайиши)	-	+0,483	+0,451	+0,353	+0,554
Кўз ичи босими даражаси (юқори)	+0,483	-	+0,787	+0,713	+0,758
кўриш майдони чегарасининг (торайиши)	+0,353	+0,713	+0,725	-	+0,753
кўриш нерви дискининг ҳолати (шакл ўзгариши)	+0,554	+0,758	+0,551	+0,753	-

Зўрайиб боровчи миопияда ЮГ ривожланишнинг клиник белгилари орасидаги корреляцион боғлиқликларнинг ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, юқори корреляцион боғлиқлик кўз олмасининг ООрЎ ва клиник рефракцияда кузатилди, КИБ даражаси, КМТ ва КНДнинг ўзгариши, шунингдек ОКБнинг дисгенезнинг II ва III даражаси билан гидродинамик кўрсаткичлари, КИБ юқори даражаси, кўз олмасининг ООрЎнинг кенгаши, КМЧсининг қисқариш ва КНДшаклининг ўзгариши. Олинган натижалар статистик ишончли ҳисобланади.

Диссертациянинг «Зўрайиб боровчи миопия фонида ювинил глаукоманинг таххислаш усулларни оптималлаштириш ва таххика гуруҳларни шакллантириш мезонлари» деб номланган тўртинчи бобида «таххика гуруҳ» га киртилган ЗБМ билан оғриган ЮГли 649 нафар бемор (1295 та кўз) текширув таххили натижалари келтирилган. Текширилган 237 нафар (36,5%) эркак беморлар ва 412 нафар (63,5%) аёл беморлар миопия даражаси бўйича қуйидагича таххисланган: кучсиз даражали-106 та кўз (8,2%), ўрта даража - 702 та кўз (54,2%), кучли даража - 487 та кўз (37,6%).

«Таххика гуруҳ» беморларда турли анъанавий текшириш усулларни қўллаш билан (тонометрия, тонография, периметрия, офтальмоскопия, гониоскопия ва юкламали синамалар) 28 нафар беморларда (54 та кўз) глаукома аниқланган: яъни 4,3%ни таххил этган, улардан 12 нафар (23 та кўз) беморда ривожланган босқичи ва 16 нафари (31 та кўз)да ўтказиб юборилган босқич. ЗБМ фонида ЮГ таххиси аниқланган 28 нафар беморларда кўз ичи босимини ўртача статистик меъёридан юқорилиги аниқланди, яъни 24,0 мм.симоб уст. лекин кунлик тонометрия текширувида офтальмотонус тебранишлари 31,0 мм сим.уст гача фарқланади. Бу кўрсаткичлар беморларда куннинг эрталабки ва кечки вақтларда ўлчашда аниқланган.

Уларда тонографик текшириш натижасида хақиқий КИБнинг юқори даражаси қайт этилиб, ўртача $\langle P_o \rangle = 21,90 \pm 0,19$ мм сим. уст. ва енгил оқиш коэффицентининг паст кўрсаткичи ўртача, $\langle C \rangle = 0,15 \pm 0,03$ мм³/дақиқани, КИС сезиларсиз ажралиш даражаси, ўртача қиймати $\langle F \rangle = 2,31 \pm 0,08$ мм³/дақиқани таххил қилди. Офтальмоскопик текширишда КНД глаукомали экскавация 0,7 до 0,9 П/Д аниқланди, дисklarнинг декларатив ўзгаришлар билан кечадиган бошчанинг чиқишидаги томирлар сонининг камайиши кузатилди. Беморларнинг периметрик кўрсаткичларига кўрса КМЧЙ пасайиши билан кўрув майдонининг концентрик торайиши кузатилди, ўртача $401,2 \pm 25,3^0$; барча ҳолатларда Бьеруум зонасида скотома мавжудлиги аниқланди. Компютер периметрия билан аниқланганда, ёруғлик сезувчи тўр парданинг кўрсаткичини силжишининг ишончли пасайиши аниқланди – MD, у ўртача $5,2 \pm 0,3$ dB га тенг. Шу беморларда гониоскопик текширишлар натижасида ОКБнинг қисман ёпилиши ва гонидисгенезнинг III даражаси аниқланди.

ЗБМ билан «таххика гуруҳ»идаги беморлари глаукомага анъанавий усуллар билан текширилганда сезиларсиз самарага эга бўлганлигини

тадқиқот натижалари исботлади. ЗБМ фонидаги ЮГ фақат 4,3% ҳолатларда, шубҳали натижа 59,5% яъни, 386 нафар беморда (771 та кўз) аниқланди.

Бизнинг фикримизча, миопия фонида глаукомани ташхислашнинг қийинчилигига қуйидагилар сабаб бўлади: глаукома учун хос бўлган шикоятларнинг кузатилмаслиги, КИБ даражаси ўртача статистик меъёр чегарасида бўлиши, КНД шаклининг кўз олмасининг ўлчамлари ва ҳажмининг катталашуви ҳисобига ўзгариши, кўриш майдони чегараларининг тез-тез концентрик равишда торайиши.

КИБ меъёрида (12,0 – 16,0 мм.с.у.) бўлган беморларда КИБ 12 мм сим.уст га кескин пасайиши, кўриш майдонининг чегаралари концентрик тарзда торайиши статистик жиҳатидан ишончли тарзда юқламасиз намунани ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. «Таҳлика гуруҳ»идаги беморларда КБЧнинг бундай торайиши КИБнинг ва А/Б локал кескин пасайиши ва кўзда қон микроциркуляциясини ёмонлашуви билан боғлиқдир.

Меъёрида КИБ ўртача даражасида бўлган «таҳлика гуруҳ»даги 253 нафар (506) беморларда юқламасиз ва юқламали синамалар ўтказилганда КИБ даражаси максимал тарзда 14,0 мм сим уст га пасайган (ўртача $4,1 \pm 1,6$ мм сим уст), дастлабки ҳолатига кўра КМЗнинг ишончли тарзда кенгайиши 12 нафар беморда кузатилди. Бу эса мос равишда 25 нафар беморда ўртача $439,6 \pm 23,5$ ва $386,4 \pm 18,2$ ни ташкил этди. 15 нафар беморда ва 28 нафар беморларда ёруғлик сезгирлиги ўртача қийматларини юқламасиз ҳолида яхшиланиши кузатилди ва ўртача мос равишда $3,7 \pm 0,6$ ва $4,8 \pm 0,5$ dВни ташкил этди. Миопия даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолатда офтальмоскопик жиҳатидан КНД ҳам дастлабки ҳолатда фарқ қилади, фақат 16 нафар беморда (23 та кўз) вена қон томирлари калибри кенгайиши кузатилди. КИБ ўртача даражада бўлган беморларда кейинги юқлама берилганда КИБ 25 мм сим уст.га кўтарилиши кузатилди, намуна кўйиш давомида тебранишлар 15,0 дан 25,0 мм сим.устунини ташкил этди (ўртача $7,8 \pm 2,1$).

КИБнинг циркадли тебранишларини ўрганилганда миопиянинг даражалари КИБ тебранишлари даражаларига тўғри боғлиқлиги аниқланмади. Демак, 137 нафар беморда (264 кўз) циркадли тебранишлар 4-6 мм сим.уст 49 нафар беморларда (38 кўз) 7-8 мм сим.уст 14 нафар беморда (21 кўз) 8 мм сим.уст ва ундан ортиқни ташкил этади. Қолган беморларда 183 та кўзда суткалик тебранишлар даражаси 3 мм сим устунидан ошмади. Юқори даражали миопияси бўлган 19 та кўзда офтальмотонуснинг энг юқори қиймати 31 мм сим.устунига етди.

«Таҳлика гуруҳ» даги беморлар ўртасида меъёрида ўртача КИБ қиймати ижобий натижа 15 нафар беморларда, шубҳали натижа 53 нафар беморларда, манфий натижа 185 нафар беморларда кузатилди.

Меъёрий офтальмотонуснинг юқори даражаси бўлган «Таҳлика гуруҳ»идаги 368 нафар беморларда изчил юқламали-юқламасиз намунанинг ўтказилиши шуни кўрсатдики, юқламасиз намунада КИБ максимал тарзда 16,0 мм сим.уст пасайди ($5,6 \pm 1,8$). Ўртача даражали 24 нафар беморларда (37 кўз) кўриш майдони чегараси кенгайиши ҳам кузатилади. Офтальмоскопик текшириш орқали КНД диаметрининг асимметрияси 563 кўзларда, ясси

экскавация 87 та, 0,4 – 0,5 мм ли экскавациянинг кенгайиши 176 та кўзларда ва 0,6 – 0,7 мм ли 137 та кўзларда кузатилди.

152 нафар беморда (289 та кўз) циркадли тебранишлар кўрсаткичлари 4-6 мм сим.уст., 149 нафар (216 та кўз) беморларда 7-8 мм сим.уст ва 48 нафар (76 та кўз) беморларда 8 мм сим.устунини ташкил этди. Қолган беморларда 205 та кўзда КИБнинг кунлик тебранишлари даражаси 3 мм сим.устунидан ошмади. 48 нафар беморларда юкламали намуна қўлланилганда КИБ даражасининг 32,0 мм сим.устунигача ошиши кузатилди, яна уларда гониоскопик жиҳатдан ОКБда қисман ёпилиши ва 3 даражали гониодисгенез кузатилди. Юкламадан сўнг МД меридианлар бўйлаб ишончли торайиши 129 нафар (157 кўз) беморда кузатилди, улардан 69 нафарида (89 кўз) Бьеррум зонасида скотома аниқланди. Визуал офтальмоскопия ёрдамида 31та кўзга юклама берилганда КНД физиологик экскавация диск четига кенгайиши ва унинг чуқурлашиши аниқланди. Компьютерли периметрия кўрсаткичларига кўра МД тўр парданинг ёруғлик сезгирлиги, силжишнинг қиймат кўрсаткичлари хавф гуруҳидаги беморларда юкламадан сўнг миопия даражасига боғлиқлиги аниқланди. Худди шундай ёруғлик сезгирлигининг пасайиши ўртача даражадаги миопияси бор 31 нафар беморларда ва юқори даражали миопияли 72 нафар беморларда кузатилди. МД кўрсаткичлари эса мос равишда ўртача $5,5 \pm 0,6$ dB ва $7,6 \pm 0,5$ dB ни ташкил этди. Изчил юкламасиз-юкламали намунанинг ижобий натижаси деб КМЧЙнинг тебранишлари 60^0 дан ошиши, Бьеррум зонасида скотоманинг пайдо бўлиши ва кўр доғ ўлчамининг катталашishi ҳисобланади. КИБ даражасининг тебраниши 8 мм сим уст дан ортиқ бўлгани кейинчалик юклама берилиши ва тўр парда ёруғлик сезувчанлик силжиши ўртача қийматини $МД > 2,2$ dB.

Изчил юкламасиз-юкламали намуна ёрдамида меъёрий КИБ юқори даражада бўлган хавф гуруҳидаги шахсларда мусбат натижа 176 нафар беморларда олинди. Уларда КИБ 2 ва 3 даражадаги гомеодисгенези мавжудлиги кузатилди. Шубҳали натижа 182 нафар, манфий натижа эса 95 нафар беморларда кузатилган. ЗБМли глаукома бўйича «тахлика гуруҳ»ида бўлган 649 нафар (1295 та кўз) беморларни комплекс текшириш асосида олинган изчил юкламасиз-юкламали намуна натижаларини ҳисобга олган ҳолда ЮГ 219 нафар (431 та кўз) беморларда, яъни 33,7% ҳолатни ташкил этди. Беморларнинг глаукомани босқичлари ва миопиянинг даражалари бўйича тақсимланиши 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Глаукоманинг босқичлари ва миопиянинг даражаси бўйича ПМ фонида ЮГли беморларнинг тақсимланиш

Глаукома босқичлари	Миопия даражаси		
	Кучсиз n=31	Ўртача n=201	Юқори n=199
1-бошланғич, n= 170	26	116	28
2-ривожланган, n=221	5	77	139
3-ўта ривожланган, n=40	-	8	32

Изоҳ: n- кўзлар сони

Диссертациянинг «Зўрайиб боровчи миопия фониди ювинил глаукома билан касалланган беморлар қон зардобидидаги оксипролин миқдори» деб номланган бешинчи бобида беморларнинг қон зардобидидаги оксипролиннинг миқдорининг биокимёвий кўрсаткичларнинг натижаларига бағишланган бўлиб, экстрацеллюляр матрикс (ЭЦМ) тизимида коллагенларнинг парчаланиши изоҳланган.

